

МУРАККАБ ТАРКИБЛИ КОСМЕТИК ЛОСЬОН ТАҲЛИЛИ

Д.Т.Гаибназарова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: мураккаб таркибли косметик лосьонни стандартлаш.

Усуллар: потенциометрик, ҳажмий, рефрактометрик таҳлил усуллари.

Натижалар: Таҳлил қуйидаги таркибли: тоғрайхон қайнатмаси 10,0, тирноқгул қайнатмаси 10,0, этил спирти 25,0 (70%), глицерин 5,0 сақловчи косметик лосьонда олиб борилди. Косметик лосьон оч жигар рангли (ранглилик даражаси ба-шкаладан ошмаслиги керак), тиниқ, ўзига хос ҳидли суюқлик (рН қиймати 6,1). Лосьон таркибидаги этил спиртининг миқдори 10 мл; косметик лосьонни 2 г фаоллаштирилган кўмир билан ишлангандан сўнг, рефракто-метрик усулда аниқланди ва 34,5 % ни ташкил қилди. Ошловчи моддаларнинг чинлиги 1% хинин сульфат, аммоний сульфат билан борадиган чўктирувчи реакциялар, ҳамда формалин ва конц. хлорид кислота 1:3 нисбатдаги эритмаси, натрий нитрат билан 0,1н. хлорид кислота эритмалари билан борадиган рангли реакциялар асосида аниқланди. Ошловчи моддалар миқдори Левенталь-Курсанов усулида аниқланди ва 0,1% ни ташкил қилди. Таҳлил усулининг ўртача нисбий хатолик 1,5 % ни ташкил қилди. Косметик лосьон таркибидаги аскорбин кислотасининг чинлиги кумуш кўзгу реакцияси орқали, миқдори эса йодатометрик усулда аниқланди. Таҳлил усулининг ўртача нисбий хатолиги 2,5 % ни ташкил қилди. Лосьон таркибидаги эфир мойининг миқдори Гинзберг асбобида аниқланиб, 10 мг%ни ташкил қилди. Лосьон таркибидаги глицериннинг чинлиги акролеин пробаси, ҳамда мис хелати ҳосил бўлиш реакцияси орқали, миқдори нейтраллаш усулида амалга оширилди ва 4,86 ни ташкил қилди. Таҳлил усулининг ўртача нисбий хатолиги 3,92 % ни ташкил қилди.

Хулосалар: косметик лосьон бир қатор кўрсаткичлар, яъни тасвирланиши, рН қиймати, таркибидаги асосий биофаол моддаларнинг чинлиги ва миқдори бўйича стандартлаш услублари ишлаб чиқилди.